
56 нафар ёшлар учун доимий даромад манбалари яратилди

Риштон туманида истиқомат қилувчи ва "Ёшлар дафтари"га киритилган 56 нафар ёшлар учун доимий даромад манбалари яратиб берилди. Бунда уларнинг қизиқиши, имконияти ва иқтидори алоҳида эътиборга олинди.

Жумладан:

30 нафар ёшларга тикув машинаси;

8 нафар ёшларга қора металлларга ишлов беришга мўлжалланган махсус техник воситалар ҳамда пайвандлаш аппарати;

10 нафар ёшларга боғ қаторорасига ишлов берувчи махсус техника;

3 нафар ёшларга пишириқ печлари.

5 нафар ёшларга боғларга кимёвий ишлов бериш ускунаси.

4 нафар «Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг фарзандларининг ўқиш учун шартномаси тўлаб берилади.

Тадбирда туман ҳокимининг 1-ўринбосари Азизжон Мустафоқулов, ҳоким ўринбосари Зарифжон Умаров, Туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи ўрибосари Турсунхўжа Абдурахмонов ва жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Ушбу тадбирни ташкил этишда Ёшлар ишлар Агентлиги ходимлари жонбозлик кўрсатишди.

2021-04-17 06:09:55